

JUMADAN — JUMAGACHA

Жорий йилда мамлакатимиз пахтакорларининг фидокорона меҳнатлари эвазига 3 миллион 600 минг тоннадан ортиқ улкан хирмон яратилди. Давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режаси қисқа муддатларда шараф билан бажарилди. Шу муносабат билан мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик хати йўллади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноат 2007 йил 18-19 октябр кунлари давлат ташрифи билан Туркменистонда бўлади. Ташриф чоғида Ўзбекистон-Туркменистон ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган долзарб халқаро муаммолар муҳокама этилади.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев Эрон Ислоҳ Республикасидан қайтаётди, 16 октябр кuni Тошкентда тўхтаб ўтди.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаевнинг учрашуви бўлди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

16 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳар томонлама муҳокама қилинди ҳамда 2007 йил 12 февралдаги Ҳукумат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига жаҳоннинг кўплаб давлат раҳбарлари ва жамоат арбобларидан табриклар келди.

Нукус халқаро аэропортига Германия авиация саноатида ишлаб чиқарилган янги, замонавий навигация қурилмалари ўрнатилди. Аэропорт ушбу ускуналар ёрдамида ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам лайнерларни қабул қилиш имкониятига эга бўлди.

Наманган шаҳрида миллий кинофилмлар ойлиги ниҳоясига етди. Мамлакатимиз киноижодкорларининг вилоят маркази, туманларда намойиш этилган қирққа яқин бадиий ва ҳужжатли филмлари катта экран муҳлисларига ажойиб совға бўлди.

ANJUMAN

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Шу йилнинг 16 октябр кuni пойтахтимиздаги "DeDeMan" меҳмонхонасида «Алоқа инфратузилмаси ва хизматлари ҳамда электрон ҳужжат айланишини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари» мавзuida халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва

биринчи ўринбосари, техника фанлари номзоди Рихис Исаевнинг таъкидлашича, мамлакатимизда электрон ҳужжат айланиши босқич-босқич жорий этилмоқда. 2003-2004 йилларда бу борада қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, электрон рақамли имзо шахсий имзога тенглаштирилди ва у билан бир хил ҳуқуқий кучга эга бўлди. «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонун эса электрон ҳуж-

рон тижорат жадал ривожланиб бормоқда.

Турли ҳужжатлар билан ишлашда эрта-кечи катта ҳажмдаги ахборотни тизимлаштириш, қайта ишлаш ҳамда хавфсиз сақлаш муаммоси юзага келади. Электрон ҳужжат айланиши тизимидан фойдаланиш қоғоз ҳужжатлар билан ишлаш жараёнида юзага келадиган кўплаб ташкилий ва технологик чекловларни бартараф этиши мумкин. Бу эса ҳужжатлар билан ишлаш самарадорлиги, бошқариш сифатини

Электрон ҳужжат айланишининг ёрқин уфқлари



Россия Федерациясининг Ахборот технологиялари бўйича федерал агентлиги томонидан ташкил этилди.

Халқаро конференция ишида қатор хорижий ташкилотлар – "ТехноСерв А/С", Москва алоқа ва информатика техника университети, "Acterna", IBM, "БИ Телеком" компаниялари, шунингдек, мамлакатимиздаги қатор илмий ташкилотлар, вазирлик, идора ва вилоят ҳокимликлари вакиллари, ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар мутахассислари иштирок этишди.

Ингилизни Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази (ФТМТМ) директори М.Махмудов олиб борди. Анжуман катнашчиларини қутлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил Департаменти бош мутахассиси Ш.Отамухамедов ҳамда Россия Федерациясининг Ахборот технологиялари бўйича федерал агентлигидан И.Загорскийларга сўз берилди. Сўзга чиққанлар ушбу тадбир алоқа инфратузилмаси ва хизматлари ҳамда электрон ҳужжат айланишини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутганини таъкидлашди. Шунингдек, россиялик мутахассис Росинформтехнологиялар раҳбари В.Матюхиннинг ФТМТМ жамоасига Марказнинг 15 йиллиги муносабати билан йўлган табрик хатини ўқиб эшиттирди.

Шундан сўнг, маърузаларга навбат берилди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари бўлими бошлиғи У.Абломов, "ТехноСерв А/С" масъулияти чекланган жамият департаменти раҳбари М.Романов (Россия) ва бошқалар электрон ҳужжат айланишини ривожлантириш истиқболлари, аҳолининг электрон рақамли имзога бўлган қизиқишини ошириш, электрон ҳужжат айланиши тизимларида ахборот хавфсизлигини мустаҳкамлаш каби бир қатор муҳим масалалар бўйича маърузалар қилишди.

Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директорининг

жатнинг ҳуқуқий кучга эга эканини белгилаб берди. «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонун электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солиш имкониятини яратди.

Юқорида қайд этилган қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши Ўзбекистонда электрон ҳужжатни самарали қўллаш учун ҳуқуқий асос яратди. Сирдарё вилоятида электрон

Дунёда ҳар йили 6 миллиардга яқин янги ҳужжат пайдо бўлмоқда. Шубҳасиз, бундай шароитда электрон ҳужжат айланиши янада тез ривожланади.

ҳуқуматни жорий этиш бўйича тажриба лойиҳаси амалга оширилмоқда. Унга кўра, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг ошқоралигини таъминлайдиган яхлит тизимни яратиш, «Сирдарё вилояти портали»ни ташкил қилиш, электрон ҳужжат айланишини жорий этиш ҳамда маҳаллий ҳокимият тузилмаларининг фуқаролар, бизнес-тузилмалар билан янада яқин ҳамкорлигига ёрдам берадиган бошқа чоралар кўзда тутилган.

Халқаро таҳлилчиларнинг маълумотларига кўра, электрон матнли ахборот ҳажми ҳар уч йилда икки бараварга кўпаяди. Электрон ахборот ҳажмининг кўпайишига қараб, қоғоздаги ҳужжатлар сони ва ҳужжат айланиши ҳажми ҳам ортади. Дунёда ҳар йили 6 миллиардга яқин янги ҳужжат пайдо бўлмоқда. Шубҳасиз, бундай шароитда электрон ҳужжат айланиши янада тез ривожланади. Электрон ҳужжат айланишини ривожлантириш зарурати учта омилга боғлиқ. Биринчиси, расмий ҳужжатлар билан ишлашда технологик ўзгаришларни амалга ошириш. Бунинг натижасида қоғозда иш юритиш ўрнини электрон ҳужжат айланиши эгаллайди. Иккинчиси, компаниялар катта ҳажмдаги ахборот оқимини тўплаш ва қайта ишлаш, бизнес-жараёнлар, молиявий, моддий, номоддий, меҳнат ҳамда бошқа ресурсларни ҳисобга олиш ва назорат қилишни таъминлаш жараёнларини автоматлаштиришга эҳтиёж сезмоқда. Учинчиси, интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган элект-

тоштириш, ахборотни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш имконини беради.

Электрон ҳужжат айланиши тизимлари нафақат битта корхона миқёсида, балки мамлакат иқтисодиётининг барча жабҳаларида қўлланиши лозим.

Бизнес-шериклар ва мижозлар билан ўзаро муносабатни ташкил этишга мўлжалланган электрон ҳужжат айланиши тизими ҳам жадал ривожланмоқда. Ушбу тизимларда битимларни тасдиқлаш учун электрон ҳужжат алмашинуви амалга оширилади.

Бундай ўзаро муносабатлар электрон ҳукумат, электрон тижоратни ривожлантириш учун зарур. Кўпгина давлатларда электрон ҳамжиҳатликнинг бундай тизимлари ҳукумат муассасалари томонидан он-лайн тартибда ўзларининг расмий масалаларини ҳал этиш, шунингдек, интернет тармоғи орқали ҳайдовчилик гувоҳномасини ёки бошқа ҳужжатларни олиш учун қўлланилмоқда.

Узатиладиган ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва электрон ҳужжат далил бўла оладиган кучга эга бўлиши учун унга мақом бериш билан

боғлиқ қатор масалаларни ҳал этиш зарурати электрон ҳужжат айланишини ривожлантириш йўлидаги асосий тўсиқ ҳисобланади. Бу масалаларни электрон ҳужжат айланишини ҳар бир суверен давлат ичида ҳамда халқаро майдонда ҳуқуқий тартибга солиш орқали ҳал этиш мумкин.

Бу борада яна қатор муаммолар бор. Уларни ҳал этмасдан туриб, мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жабҳаларида электрон ҳужжат айланишини ривожлантириб бўлмайди. Бунинг учун биринчи навбатда, иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғида ахборот-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, корпоратив ахборот тармоқларини ташкил этиш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш зарур. Шунингдек, тармоқлар ва республика ҳудудлари ўртасида ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш бўйича рақамли тафовутни камайтириш учун шароит яратиш, электрон ҳужжат айланиши тизимлари ва хизматларини давлат бошқарувида қўллашда уларни стандартлаштириш масалаларини ҳал этиш, электрон рақамли имзонинг очиқ калитлари инфратузилмасини шакллантириш учун Электрон рақамли имзоларни рўйхатга олиш марказини ривожлантириш ҳамда фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари соҳасида криптография воситаларидан фойдаланиш тартибга солиш талаб этилади.

Халқаро илмий-амалий анжумани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳам ушбу масалаларни муҳокама этиш, электрон ҳужжат айланиши соҳасида амалга оширилмаётган ишлар бўйича ўзаро тажриба алмашишдан иборатдир.

Лутфилло ТУРСУНОВ

17 oktabr kuni Toshkentdagi "Dedeman" mehmonxonasida "Aloqa va axborotlashtirish sohasini metrologik ta'minlash — aloqa xizmatlari sifatini oshirishning asosiy йўлларида бири" mavzuida xalqaro ilmiy-texnik seminar b'ulib ўtdi. Unda yaqin va uzoq xorij mamlakatlarining ilmiy tashkilotlari, metrologik ta'minot va axborot texnologiyalari sohasi kompaniya va firmalaridan vakillar qatnashdi.

Seminar Ўзбекистон aloqa va axborotlashtirish agentligi, Standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi ("Ўzstandart"), Fan-texnika va marketing tadqiqotlari markazi hamda Moskva aloqa va informatika texnika universiteti tomonidan tashkil qilingan.

Tadbirda Ўзбекистон aloqa va axborotlashtirish agentligi Boш direktorining ўrinbosari A.Xujayev, "Ўzstandart" agentligi Boш direktori ўrinbosari P.Xusanov, Moskva aloqa va informatika texnika universiteti direktori ўrinbosari E.Balovlenkov hamda Fan-texnika va marketing tadqiqotlari markazi direktori M.Maxmudovlar suzga chiqishdi.

Yilpi йigiliшlarda aloqa va axborotlashtirish sohasida ўlчov birligini ta'minlash b'uyicha qilinayotgan ishlar va ularni yanada takomillashtirish йўллари, apparaturalarni qўllashda ўlчov birligi muvofiqligini ta'minlash, metrolog-mutaxassislarни tayёр-

Метрология — хизматлар сифатини кафолатлайди



lashda virtual vositalardan foydalanish, yangi avlod tarmonlariga

ўtish sharoitida telekommunikatsiya sohasini metrologik ta'minlashning ўziga xos xususiyatlari, axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining ўlчov vositalarining rivojlanishining istiqbolli kўrib chiqildi.

Tayyidlanganidek, mazkur seminar respublikamiz va boshqa mamlakatlarda faoliyat yuritayotgan metrologlar va metrologiya xizmatlari ўrtasidagi hamkorlikni mustahkamlash va kengaytirish hamda yangi istiqbolli rejalarni ўzaro muvofiqlikda amalga oshirishga xizmat qiladi.

Собит АХАДОВ



КИТОВ JAVONINGIZGA

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАРГА ОИДАТАМАЛАР ҚИСҚАРТМАЛАРИНИНГ ИНГЛИЗЧА-РУСЧА-ЎЗБЕКЧА ЛУГАТИ

Fan-texnika va marketing tadqiqotlari markazining Atamashunoslik va lugatlar xizmati tomonidan tayyorlangan Telekommunikatsiyalarga oid atamalar qisqartmalarining inglizcha-ruscha-uzbekcha lugati kitob shaklida bosmadan chiqdi. Lugatda turli chastota diapazonida ishlaydigan, barча turdagi aloqa tizimlari va vositalaridan foydalanish b'uyicha 4500dan ortiq qisqartma hamda shartli belgi berilgan.

Kitobdan nafaqat qisqartmalar, balki qisqacha ma'lumotlarga xarakteridagi qullanma ёki murakkab tarkibli atamalarni tarjima qilishda tulaqonli lugat sifatida ham foydalanish mumkin.

Lugatdan soxaning muhandis-texniklari, ilmiy xodimlari, oliy va ўrtamaхsus ўquv yurtlari ўqituvchi va talabalari foydalanishlari mumkin.



DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

Истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш, соҳага тегишли қонун ва норматив ҳужжатлар талабларининг бажарилишини таъминлаш ва кўрсатилмаётган хизматлар сифатини ошириш юзасидан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва Давлат алоқа инспекцияси ўртасида ўзаро ҳамкорликда ишлаш юзасидан Келишув имзоланган.

Mazkur Keliшuvga asosan tuzilgan чора-tadbirlar rejasi bilan bажарилишини ta'minlash maqsadida жорий йилнинг 1 va 2-чорагида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Жиззах филиалининг Учтепа ва Пахтакор почта алоқаси тармоқларида ўрганишлар ўtkazилди. Natijada kўrsatilaётган хизматлар сифатининг белгиланган meъёр талаblari darajasida emasligi va қонун ва норматив ҳужжатларга rioya etilmасligi kabi хoлатlar aniqlandi. Jumladan, Учтепа почта алоқаси тармоғида иш тартиби tўg'risida пешлавак mijozlarга kўrinarli жойга илб кўйилмаган, хodimlarга лавозим йўриқномалари ишлаб чикилмаган. Пахтакор почта алоқаси тармоғида esa почта залага киришда ўrнатилган почта кутисига тартиб рақами ёзиб кўйилмаган. Қўшимча хизматлар учун нархнома филиал томонидан ишлаб чикилмаган бўлса-да, қабул қилинаётган жўнатмалар учун қўшимча хизматларга 15-25 сумдан хақ олинаётганлиги, уч ойдан буйен тўланмасдан турган пул ўtkазмалари тўловини олиши учун олувчиларга юбориладиган 22-шакл хабарномалар ўз вақтида эгаларига etkazилмаганлиги, Пахтакор-2 алоқа бўлимида 2007 йил 3 май кuni 6/2 рақам билан қабул қилинган 24000 сўмлик пул ўtkазмаси Пахтакор-3 алоқа бўлимига 34 кундан кейин, яъни жорий йилнинг 7 июнида келганлиги, шунингдек, Пахтакор почта алоқаси тармоғида 70 нухсадаги, Учтепа почта алоқаси тармоғида esa 52 нухсадаги республика газеталари обунчиларга назорат мuddatlarидан кечиктириб etkazилганлиги маълум бўлди.

Ўrganilgan ikkala почта алоқаси тармоқларининг алоқа бўлиmlarida

Назорат бўлмаса, камчиликлар такрорланаверади

хам mijozlar учун kўрсатилмаётган хизматлар tўg'risidaги маълумотлар tўliк ёritилмаганлиги, почта алоқаси хизмати б'uyicha белгиланган имтиёzлар rўйхати mavjud emasligi, буюртмали почта жўнатмаларининг "mijozlarга берилган санаси teгишли дафтарларга қайд etилмаганлиги, назорат қилувчи шахслар томонидан хат, бандерол ва хабарномаларнинг олувчиларга etkazилиши текшириб борилмаслиги, пенсия tўлов ведомостлари норматив ҳужжатлар талаblari asosida rasmiy lashtirilmasdan tўлов muddatlari белгиланмаган ҳолда амалга ошириш учун қабул қилинганлиги kabi хoлатlarга йўл қўйилган. Шунингдек, иш жойлари faoliyat yuritishi учун зарур бўлган норматив ҳужжатлар билан tўliк ta'minланмаган. Ижро интизоми суst бўлиб, келатган хатлар, буйруқ ва фармойишлар tўliк бажарилмаган.

Учтепа почта алоқаси тармоғида 2007 йил март ойида 25 марта, Пахтакор почта алоқаси тармоғида 2007 йил июн ойида 48 марта туман ичида алоқа бўлиmlари билан почта алмашувлари ўtkazилмаганлиги aniqlанган, бу ҳoлат почта жўнатмаларининг назорат мuddatlarida etkazилишига салбий таъсир kўрсатмоқда.

Учтепа почта алоқаси тармоғида алоқа бўлиmlарида tўsatдан ва ҳужжатли таftиш ўtkazиш режалари ҳам tўliк бажарилмаган.

Пахтакор почта алоқаси тармоғи алоқа бўлиmlарида ўtkazилган ҳужжатли текширишлар натижаси б'uyicha tuzilgan далoлатномаларда қайд қилинган маълумотлар асл ҳoлатдаги маълумотларга tўg'ри келмайди. 2007 йил 7 июн кунинда ҳам алоқа бўлиmlари июн ойи учун 130-шакл кундалик дафтарлар билан ta'minланмаган.

Учтепа ва Пахтакор почта алоқаси тармоқларидаги жами 24 алоқа бўлиmidан 18тасида тарозилар йўк. Умуман олганда, филиалининг жами 158та алоқа бўлиmidан фақат 63таси тарозилар билан таъминланган, шулардан 6тасида тарозилар носоз ҳoлатда. Бун-

дай ачинарли ахвол қолган 101та алоқа бўлимида жўнатма, бандерол ва бошқа почта жўнатмаларини қабул қилишда чекланиш ёки тарифларнинг нотўg'ри қўлланилишига олиб келишидан дарак беради.

Учтепа почта алоқаси тармоғининг Кўёвбоши алоқа бўлими ва Пахтакор почта алоқаси тармоғининг Пахтакор-2 алоқа бўлимидаги тақвим тамгалар ва гералд муҳр ҳамда Мингчинор алоқа бўлимидаги фойдаланилаётган гералд муҳрлар собиқ иттифоқ даврида тайёрланганлиги ва «СССР» сўзи ва махсус белгилар ўчириб ташланган ҳoлда хозирги вақтга қадар ишлатилаётган-

Учтепа ва Пахтакор почта алоқаси тармоқларида камчиликларга йўл қўйганлиги учун 7 нафар айбдор хodимга нисбатан хайфсан эълон қилиниб, бир хodимга ойлик маошининг 30 фоизи микдорда жарима қўлланилган.

лигига нима дейсиз?! Бошқа алоқа бўлиmlарида ҳам бундай хoлатларнинг учраши кишини таажублантиради. Наҳотки, республикамиз мустақилликка эришганига 16 йил tўлиб, ўз давлат тили мақомига эга бўлибдики, ханузгача "Давлат тили хақида"ги қонун ижроси ва унга амал қилиш борасида давлат миқёсида олиб бoрилатган ижобий ишларга қарамасдан, вилoят почта соҳасидаги маъсул мутасаддилар бунини билишмасми?!

Бундан ташқари, ҳар иккала тармоқда ҳам пул маблағлари ҳаракати устидан бухгалтерлик назорати etарли даражада ўrнатилмаган, аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилишда, даврий нашрларга обунани rasmiy lashtirishда норматив ҳужжатлар талаblari кўпол равишда бузилган.

Ўtkazилган ўrganishlar натижасида aniqlанган камчиликларни бартараф etиш маqsadида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Жиззах филиалининг почта алоқаси тармоқлари томонидан чора-tadbirlar ишлаб чикилиб, камчиликларни бартараф etиш юзасидан муайян

ишлар амалга оширилмоқда, лекин уларни қоникрли деб бўлмайди. Чунки таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, олдинги ўtkazилган ўrganishlarda aniqlанган камчиликларни бартараф etиш маqsadида тuzилган чора-tadbirlarга asosan ишлар олиб бoрилса-да, маълум мuddatдан сўнг яна ўша камчиликларга йўл қўйиш такрорланмаган.

Учтепа ва Пахтакор почта алоқаси тармоқларида камчиликларга йўл қўйганлиги учун 7 нафар айбдор хodимга нисбатан хайфсан эълон қилиниб, бир хodимга ойлик маошининг 30 фоизи микдорда жарима қўлланилган. Тўg'ри, айбдор хodimлар камчиликларга йўл қўйганлиги учун жазосини олади, лекин уларга нисбатан интизомий жазо чоралари кўриши билан чекланиб қолмасди, филиал томонидан камчиликлар ўз вақтида аниқланиб, бартараф etилиши доимий назорат қилиб турилганида бу кabi кўнгилсиз хoлатларга ўрин қолмасди. Филиал томонидан доимий ички назорат олиб бoрилмас экан, камчиликларнинг такрорланишини бартараф etиб бўлмайди.

Пахтакор почта алоқаси тармоғида ўtkazилган ўrganishда aniqlанган камчиликларни бартараф etиш б'uyicha тuzилган чора-tadbirlarнинг бажарилиши юзасидан вилoят Давлат алоқа инспекциясига Пахтакор ПАТ бошлиғи Ф.Қозоқбоев томонидан 2007 йил 11 июлдаги 37-27-20/81 ва 5 сентябрдаги 37-27-20/93-сон хатлар билан берилган маълумотлар таҳлил қилиниб, ҳаққонийлиги жойига чикиб ўrganилганида, чора-tadbirlar режаси tўliк бажарилмаганлиги, тақдим etилган маълумотлар ҳаққоний emasligи маълум бўлди.

Почта алоқасининг келажиги ва шунинг ривожланиши корхона ишчи-хизматчилари даромадларининг ошишига бўлган эҳтиёж аввало аҳолига кўрсатилмаётган хизматларнинг нечоғлик сифатли эканлигига, ишларнинг қонун ва норматив ҳужжатлар талаblari asosida ташкил etилишига боғлиқлигини унутмаслик керак.

Ойбек ДОБИЛОВ,
Жиззах вилoяти
ДАИ бошлиғи

Мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи куниданоқ янгича бозор механизмнинг шаклланиш даври бошланди, бу эса ўз навбатида иқтисодийнинг турли тармоқларида зарурий ички инфратузилмани яратишни давр талабига айлантди. Хусусан, республика ахборот-коммуникация тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг функционал фаолияти барқарор юритилишини таъминлаш, уларга турли тасодифлар ва бахтсиз ходисалар оқибатида етказилаётган зиёнларни тез ва самарали бартараф этиш ҳамда тизимда кўшимча инвестицион ресурсларни яратиш зарурияти туғилди. Шу мақсадда бундан 10 йил муқаддам соҳа раҳбарияти ташаббуси билан алоқа ва ахборотлаштириш тизимига хос қалтисликларни сугурталашга ихтисослашган очик акциядорлик жамияти шаклидаги «**ALSKOM**» сугурта компанияси ташкил этилди.

Компаниянинг асосий фаолият мезони этиб ахборот-коммуникация тизими корхоналари мол-мулки ва хизматчиларини кенг қамровли ва сифатли сугурта ҳимояси билан таъминлаш ҳамда бўш пул маблағларини инвестицион ресурс сифатида соҳа инфратузилмаси ривожига, хусусан, алоқа тармоқларини ривожлантириш ва модернизациялашга йўналтириш белгилаб қўйилди. Ўн йил давомида «**ALSKOM**» компанияси томонидан амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ҳамда компаниянинг келгуси режалари билан яқиндан танишиш мақсадида компания бош директори, иқтисод фанлари доктори, профессор Т.ИМИНОВга мурожаат қилдик.



О'ZBEKISTON - ROSSIIYA QK
SUG'URTA KOMPANIYASI

АКТ СОҲАСИ БАРҚАРОРЛИГИНИ

“ALSKOM” КОМПАНИЯСИ ТАШКИЛ

— **Тоҳиржон Каримович, авваламбор, компания жамоасини ушбу сана билан муборакбод этамиз. Маълумки, бугунги кунда компания нафақат АКТ соҳасида, балки мамлакатимиз сугурта хизматлари бозорида ўзининг нуфузли ўрнига эга. Бундай нуфузга қай тарзда ва нималар ҳисобига эришилди?**

— Бугунги кунга келиб, «**ALSKOM**» сугурта компанияси мамлакатимиз сугурта бозорида фаолият кўрсатаётган нодавлат сугурта компаниялар рўйхатида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Бу ўз навбатида «**Saigro**» рейтинг агентлиги томонидан компанияга берилган «**UzB++**» етарли ишончлик даражаси» ҳамда «сугурта бозорида кескин ривожланаётган сугурта компанияси» сифатида эътироф этилганлиги билан изоҳланади. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги сугурта назорати давлат инспекциясининг расмий маълумотида кўра, компания сўнги йилларда республикада фаолият кўрсатаётган сугурта компанияларининг кучли ўнлигида ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллаб келмоқда.

Ўтган даврдаги ўзгаришларни айрим кўрсаткичлар мисолида олиб қарайдиган бўлсак, компаниямиз таъсис этилган пайтда уни сармоялаштириш даражаси атиги 10 млн. сўмни ташкил этган бўлса, бугунги кунда мазкур кўрсаткич қарийб 165 баробарга ортди. Йилгилан сугурта бадалларининг миқдори эса 10 йил давомида 7,5 млн. сўмдан 1,5 млрд. сўмга етди. Бундан ташқари, у ўзининг қатъийлик, яъни ихтисослашган сугурта компанияси хусусиятини сақлаган ҳолда универсал сугурта ташкилоти мақомини ҳам қўлга киритди. Яъни, компания ахборот-коммуникация соҳасига хизмат кўрсатиш билан

бир қаторда иқтисодийнинг бошқа тармоқларига ҳам кенг сугурта хизматларини таклиф эта бошлади. Натижада компания сугурта портфелининг деярли ярми бошқа тармоқ субъектларидан йиғилган сугурта бадаллари ҳисобига шаклландиган бўлди. Ўз навбатида, мазкур ютуқлар нафақат самарали стратегия ва изчил меҳнат натижаси, балки энг аввало, мамлакатимиз сугурта бозорининг ривожланиши учун мавжуд кенг имкониятлар самараси ҳамдир.

Ўзбекистонда юз бераётган иқтисодий ўсиш сугурта бозорининг жадаллик билан тараққий этишига сабаб бўлмоқда. Яъни, сугурта бозори ёрдамчи сектордан стратегик ривожланишни белгилаб берадиган йўналишга айланиб бормоқда. Давлат томонидан сугурта хизматлари бозорини ислоҳ қилиш борасида қабул қилинган тегишли қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатлар сугурта бозори иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ривожланишига янгича туртки бўлмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора тadbирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ сугурта бозорига фаолият кўрсатаётган сугурта компанияларининг уч йил муддатга даромад солиғидан озод этилиши миллий сугурта компаниялар фаолиятининг кескин ривожланиб боришига имкониятлар яратди ҳамда сугурта муносабатларининг янгича ривожланишига, жумладан, кўшимча замонавий хизмат кўрсатиш усулларининг пайдо бўлишига туртки бўлди.

Шу билан бир қаторда, 2007 йил 10 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Сугурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш ва қайта шакллантириш чора тadbирлари тўғрисида»ги қарор қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ мамлакатда рақобатли сугурта бозорини шакллантириш, сугурта фаолиятининг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш, республика сугурта бозорининг халқроқ сугурта бозорига интеграциялашувига шароит яратиш, сугурталовчиларнинг молиявий барқарорлигини кучайтириш ва мамлакатда сугурта маданияти даражасини ошириш ҳамда сугурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш услубларини такомиллаштириш каби устувор вазифа-

шига қарамай, ахборот-коммуникация соҳасига ихтисослашган ягона сугурталовчи ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, компаниянгиз ташкил этилгандан буён ахборот-коммуникация соҳасига кўрсатиб келаётган хизматларда ўз ифодасини топмоқда. **Айтингчи, ўтган давр мобайнида бу борада қандай ишлар амалга оширилди ва натижаларга эришилди, қолаверса, компаниянинг соҳа ички инфратузилмасидаги ўрни нималардан иборат?**

— Аввал сўнгги саволга жавоб берсам. Соҳада амалга ошириб борилаётган ислохотлар натижасида янгича фаолият йўналишларининг пайдо бўлиб бориши, жумладан, янги авлоддаги ахборотлаштириш воситаларининг киритилиши, уларни амалда жорий этиш билан бир қаторда турли хил қалтисликларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Масалан, алоқа ва дастурий ҳисоблаш воситаларининг ишламай қолиши, алоқа ва ахборотни узатиш тар-

моқларидаги маълумотларни ўзлаштириш, дастурий вирусларнинг киритилиши, учинчи шахсларнинг электрон маълумотларни кўчириш, ўзгариши ва шикаст етказиш мақсадида тизимга киришлари, ахборотлар базасидаги маълумотларнинг ўчи кетиши, маълумотларнинг ноқонуний кўчирилиши ва йўқолиши, электрон қўриқчи пул кўчиришлар ва имзолар билан боғлиқ қалтисликлар нафақат соҳа, балки АКТдан фойдаланувчи ҳар бир субъект фаолияти барқарорлигига реал хавф солуви омилига айланиб бормоқда. Қолаверса, соҳа ривожлангани сари анъанавий қалтисликлар салмоғи ҳам

— «**ALSKOM**» компанияси универсал сугурта ташкилоти мақомига эга бўли-

ортиб бормоқда. Албатта, барча қалтисликларнинг салбий оқибатлари олдиндан прогноз қилиниши ва олди олиниши лозим. Эса соҳада унинг фаолиятига хос қалтисликларни самарали бошқариш механизминини, яъни риск-менежментни доимий равишда такомиллаштириб боришни тақозо этади. Амалиётда қалтисликларни бошқаришнинг энг самарали ва муқобил усули сифатида сугурта механизми ажралиб туради. Чунки сугурта қалтисликларни минималлаштириш, бу борада тегишли консалтинг ва олдини олиш тadbирларини амалга ошириб бориш билан бир қаторда, уларнинг рўй берган ҳолатларида етказилган зарарларни қоплаш вазифасини ҳам амалга оширади. Шу сабабдан ҳам «**ALSKOM**» сугурта компанияси соҳанинг барқарор ривожланишида алоҳида ўринга эга.

Канганда буён босиб ўтилган йўл сарҳисобига келсак, буни умумий равишда бир кўрсаткич билан изоҳлаш мумкин, сугуртавий ҳимояланганлик даражаси буйича АКТ соҳаси мамлакат иқтисодийнинг тармоқлари ичида энг юқори ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Бу асосан соҳанинг устувор равишда ривожланаётганлиги, соҳа корхоналари томонидан замонавий хизмат турларининг жадал ўзлаштираётганлиги билан изоҳланади. Қолаверса, бу тармоқда сугурта муносабатларида алоҳида эътибор берилганлиги ҳамда соҳада сугурта менталитетининг етарли даражада шаклланишининг натижасидир. Тизимдаги муҳим ва қimmatбаҳо объектлар ҳимоясини таъминлаш имкониятини ошириш мақсадида 1999 йилда Россия Федерациясининг етакчи сугурта таш-

килотларидан бири — «Согласие» суғурта компанияси билан қалтисликларни қайта суғурталашга жойлаштириш бўйича ҳамкорлик ўрнатилди ва 2002 йилда «ALSKOM» компанияси негизида «Согласие» суғурта компанияси иштирокида Ўзбекистон-Россия қўшма суғурта компанияси ташкил этилди. Натижада ахборот-коммуникация соҳасига хос қалтисликларни суғурталаш бўйича янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш имкони яратилди. Шунингдек, ўтган давр мобайнида қатор янги суғурта хизматлари ишлаб чиқилди ва амалда татбиқ этилмоқда.

ларига масъул бўлган рақобат ҳодимларнинг доимий тарзда малакасини ошириб бориш таъминланмоқда. Амалга оширилган муҳим

соҳадаги фаолиятини қандай баҳолайсиз?

— Рақобат бозор иқтисодиётининг ажралмас унсурини ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимиз суғурта бозори ҳам рақобат таъсири остида ривожланиб келмоқда. Бундай ҳолат, албатта, ахборот-коммуникация соҳасига кўрсатилаётган суғурта хизматларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, республика суғурта

ни таъминлаш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар мажмуаси компаниянинг фаолият истиқболини белгилаб бермоқда. Шу йўналишда компаниянинг яқин кунларда амалга оширадиган бош вазифаси бу янги бозор сегментларини эгаллаш орқали ўз фаолият кўламини янада кенгайтириш ҳисобланади. Бу бирламчи равишда республикада худудларида агентлик тармоғини кенгайтириш, кўрсатилаётган суғурта хизматлари сони ва сифатини оширишни талаб этади. Бунинг учун компанияда барча имкониятлар мавжуддир. Им-

бирларни янада такомиллаштириш;

— соҳа хусусиятига хос қалтисликларни суғурталаш механизмининг яратилиши. Мазкур йўналишда соҳа суғурта компанияси ҳамда манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ахборот-коммуникация соҳасига хос қалтисликларни суғурталаш бўйича тегишли суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш;

— соҳада суғурталаш услуларида кенг фойдаланган ҳолда давлат томонидан тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, хусусан халқаро тажрибадан келиб чиқиб, лицензиялаш йўналишида лицензиялар-

Соҳа корхоналарининг фаолият ихтисослигидан келиб чиқиб, улар орқали суғурта хизматларини воситали сотиш механизми жорий этилган. Бунга ёрқин мисол қилиб «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг жойлардаги бўлинмалари орқали аҳоли ўртасида сотилаётган суғурта полисларини айтиб ўтиш мумкин.

ишлардан яна бири, бу соҳа корхоналарининг фаолият ихтисослигидан келиб чиқиб, улар орқали суғурта хизматларини воситали сотиш механизми жорий этилганлиги ва амалда қўлланилиб келинаётганлигидир. Бунга ёрқин мисол қилиб «Ўзбе-

бозорида фаолият кўрсатаётган 27та суғурта компаниясидан аксарияти соҳа корхоналарига ўз хизматларини тақлиф этмоқда. Бу ижобий ҳолатдир, чунки соҳага суғурта хизматларини кўрсатиш борасида

ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

ЭТИЛГАНЛИГИГА 10 ЙИЛ ТЎЛДИ

Ҳозирда бу хизматларнинг сони 40тадан ошди.

Компаниямиз бўш пул маблағларининг сармоявий ресурс сифатида йўналтириб борилиши кенг йўлга қўйилиб, биргина 2006 йилда компаниямиз томонидан соҳага йўналтирилган маблағлар миқдори 1,2 млрд. сўмдан ортди.

Соҳанинг ҳудудий корхоналари ва бошқа салоҳиятли мижозларга янада сифатли суғурта хизматлари кўрсатиш мақсадида компаниянинг мамлакат худудларида ваколатхоналар тармоғи ташкил этилди ва ҳозирги кунда улар сони тўққизтага етди. Соҳада суғурта маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш механизми жорий этилди. Яъни, аънавий тарзга айланган ўқитиш ва малака ошириш дастури яратилиб, соҳа корхоналарида суғурта масала-

кисон почтаси» ОАЖнинг жойлардаги бўлинмалари орқали аҳоли ўртасида сотилаётган суғурта полисларини айтиб ўтиш мумкин.

Бундан ташқари, компаниямиз мажбурий суғурта хизматларини амалга ошириш имкониятига ҳам эга бўлди. Бу соҳа корхоналарига универсал суғурта хизматлари пакетини тақлиф этиш имкониятини бермоқда.

Бир сўз билан айтганда, шу кунда «ALSKOM» компанияси Ўзбекистон ахборот-коммуникация соҳаси субъектларига жаҳондаги энг яхши суғурта компаниялари даражасида суғурта хизматларини тақлиф этиш имкониятига эга бўлди.

— Суғурта бозорининг либераллашиб бориши, ўз навбатида, рақобат муҳитининг кучайишига сабаб бўлади. Шундай муҳит таъсирида компаниянинг

юз бераётган рақобат компаниямиз томонидан тақлиф этилаётган хизматлар сифатини оширибгина қолмай, балки уларнинг кўламини кенгайтиришга, хизмат тарифларининг пайсига олиб келмоқда. Шундай рақобат муҳити таъсири остида компания томонидан ишлаб чиқилган суғурта маҳсулотлари қаторига автотранспорт эгаларининг учинчи шахслар олдидаги жавобгарлигининг мажбурий суғуртасини, объектларни давлат маблағлари ва ҳукумат қаролати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қўрилиш таваккалчиликларининг мажбурий суғуртаси, ихтиёрий тиббиёт суғуртаси, хорижга чиқувчи шахсларни суғурталаш каби суғурта турларини киритса бўлади.

Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, компаниянинг узоқ муддат давомида соҳада кўрсатаётган фаолияти ҳамда ҳодимларимизнинг соҳа корхоналари фаолиятига хос хусусиятларни чуқур ўрганишлари натижа-сида биз соҳа муаммолари, ундаги мавжуд қалтисликлар ҳақида катта тажриба тўпландик. Буни компаниянинг ютуғи десам муболаға бўлмайдим. Компаниянинг бу имконияти рақобат шароитида соҳа суғурта бозоридан ўз ўрнини мустақам сақлаб қолишига имкон яратмоқда.

— Компаниянинг келажак истиқболларига қандай қарайсиз, олдинда қандай мақсад ва вазифалар турибди?

— Мамлакатимизда суғурта хизматлари бозорини етарли шакллантириш ва унинг кескин ривожланиши-

нинг лицензия шартларини бажармаслик ва бузиш ҳолати билан боғлиқ жавобгарлигини суғурталашни амалда жорий этиш;

— соҳа корхоналари фаолият ихтисослигидан келиб чиққан ҳолда компания суғурта полисларини улар орқали воситали сотиш механизмининг янада такомиллаштириб боришдан иборат, албатта.

Сўзимнинг охирида таъкидламоқчиманки, компаниянинг шу кунгача эришган ютуқлари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва соҳада фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, компания акциядорларининг кўмағи ҳамда компаниянинг чуқур миннатдорчилигини изҳор этман.

— Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат.

Лутфилло ТУРСУНОВ
суҳбатлашди



**КАРИЛЛИКНИ
ҚАДРЛОВЧИЛАР
УЧУН**

**Кенг қамровли
суғурта хизматлари**

тел.: (998 71) 132-0964 факс: (998 71) 132-0715
Хизматлар лицензияланган

Новости в сфере ИКТ

SANYO ИЗМЕНИТ КУРСЫ



Компания Sanyo Electric объявила о заключении базового соглашения о продаже своего бизнеса, связанного с производством мобильных телефонов.

Sanyo в настоящее время занимает седьмое место в списке крупнейших поставщиков мобильных телефонов на японском рынке, контролируя приблизительно 7% соответствующего сегмента. Однако из-за жесткой конкурентной борьбы как на местном рынке, так и за пределами Японии вести бизнес для Sanyo становится все сложнее.

В качестве потенциального покупателя бизнеса Sanyo по выпуску мобильных телефонов выступает конкурирующая Kyocera. Предполагается, что после продажи производства сотовых телефонов компания Sanyo сосредоточит основные усилия на разработке и выпуске аккумуляторных и солнечных батарей.

DELL ИНВЕСТИРУЕТ СРЕДСТВА В РАЗРАБОТКУ ЭНЕРГОСБЕРЕГАЮЩЕЙ ПРОДУКЦИИ

Глава Dell Майкл Делл в ходе симпозиума Gartner IT Экспо рассказал о ряде инициатив компании, направленных на разработку энергосберегающей продукции и улучшение экологической обстановки.

Как сообщает eWeek, компания Dell инвестирует средства в выпуск энергетически-эффективных компьютеров и серверов. По словам Делла, производство такой продукции, в конечном счете, начнет приносить прибыль. Так, например, новый настольный ПК OptiPlex 755 потребляет на 70% меньше энергии по сравнению с предыдущим поколением компьютеров линейки OptiPlex. В результате пользователи смогут сэкономить до 80 долларов США в год на оплате счетов на электроэнергию. Кроме того, Dell разрабатывает серверы с интеллектуальной системой управления питанием, которая позволит сократить потребление энергии на 50% по сравнению с обычными серверами.



БЕЗОПАСНОСТЬ В ИНТЕРНЕТЕ

Участники проекта StopBadware.org обнародовали отчет под названием Trends in Badware 2007: What Internet Users Need to Know, в котором рассматривается ситуация с безопасностью в интернете в текущем году.

Исследователи отмечают, что с каждым годом становится все сложнее определить, какие сайты являются безопасными, а какие - лучше не посещать. Дело в том, что многие вредоносные страницы располагаются на вполне легальных серверах, взломанных злоумышленниками. В первой половине текущего года наибольшей популярностью у киберпреступников пользовались атаки, основанные на применении элементов IFRAME и кода на JavaScript, эксплуатирующего дыры в браузерах.

В отчете StopBadware также указывается, что злоумышленники используют в своих интересах растущую популярность социально-ориентированных сервисов и активно эксплуатируют дыры, для которых разработчики программного обеспечения еще не успели выпустить патчи. Под видом специализированных кодеков, якобы предназначенных для просмотра видеоматериалов порнографического характера, зачастую распространяются троянские программы, открывающие "черный" вход в систему. Кроме того, большой популярностью у киберпреступников пользуются клавиатурные шпионы, которые позволяют красть пароли доступа к различным онлайн-услугам и платежным системам.

Составители отчета рекомендуют пользователям Сети наряду с антивирусом применять антишпионские средства и не пренебрегать установкой обновлений и патчей. Кстати, согласно исследованию McAfee и Национального альянса кибербезопасности США, только у 52% пользователей на компьютере имеется антивирус с обновленными за последний месяц базами данных. А средства защиты от шпионских модулей установлены на 55% персональных компьютеров.

ЧУДО-ПОКРЫТИЕ

Двое коллег из токийского университета, Такао Соэма и Цуоши Секитани, разработали необычное пластиковое покрытие, которое может использоваться для покрытия столов, стен и пола. Изюминкой их изобретения стала возможность передачи данных между устройствами, контактирующими с поверхностью, избавляя таким образом пользователей от необходимости подключать устройства друг к другу.

В реальности это будет выглядеть довольно фантастично. Придя домой, Вы кладете на стол свой MP3-плеер, фотоаппарат и мобильный телефон на стол и вот уже свежие фото сами копируются на компьютер, из колонок стереосистемы играют любимые мелодии, а приходящие SMS отображаются на экране телевизора. Чудо? Совсем нет, просто покрытие стола и стен связало устройства между собой и позволило обмениваться информацией.



ЗА МОШЕННИЧЕСТВО АРЕСТОВАНЫ 77 ЧЕЛОВЕК

Суровые меры по предотвращению финансового мошенничества в Интернете привели к изъятию фальшивых чеков на сумму 2,1 млрд долл., а также к 77 арестам по всему миру, включая Нигерию, Нидерланды, Канаду и США.

Знаменитое «нигерийское мошенничество» заключается в том, что организованные группы злоумышленников из Западной Африки рассылают спам с предложением оплатить небольшую сумму в обмен на будущие солидные проценты от финансовых операций. Обманутые часто не сознают, что, идя на поводу у мошенников, они сами провоцируют аферистов совершать новые преступления.

В результате масштабной операции по пресечению финансовых махинаций, был закрыт ряд интернет-кафе и арестовано 77 человек в Нидерландах, Нигерии и Америке. Трое подозреваемых экстрадированы в США, где они ожидают решения суда.



СЮРПРИЗ ОТ YAHOO SEARCH MARKETING...

Если вы являетесь пользователем Yahoo Marketing Search, вас может ожидать сюрприз. Как сообщают многочисленные пользователи сервиса, в системе произошел сбой, который, скорее всего, связан с введением обновления в систему отчетов.



В результате программной ошибки, некоторые пользователи обнаружили, что по их объявлениям было совершено около миллиона кликов и они задолжали системе до 900 000 долл.

По сообщению администрации сервиса, ошибка устраняется. Данные о том, что кому-то из пользователей уже выплатили подобные гонорары за участие в партнерской программе Yahoo, опубликовано не было.

ПРОПУСКНАЯ СПОСОБНОСТЬ ВЫРОСЛА ДО 100 ГБИТ/С

Консорциум Internet2 объявил об увеличении пропускной способности своей компьютерной сети до 100 Гбит/с.

Организация Internet2 с 1999 года использовала высокоскоростную сеть Abilene, названную в честь железнодорожной станции в Канзасе. По состоянию на 2006 год каждый из каналов этой сети имел теоретическую пропускную способность в 10 Гбит/с. Консорциум Internet2 объединяет порядка 200 университетов, а также сотрудничает с правительственными учреждениями США и ведущими частными компаниями компьютерной индустрии. Весной нынешнего года Internet2 объединился с консорциумом NLR (National LambdaRail), развивающим проект по созданию высокоскоростной коммуникационной среды для научно-исследовательских нужд.

Как теперь сообщается, в начале октября организация Internet2 завершила работы по модернизации сетевой инфраструктуры. Теперь каждый сегмент сети состоит из десяти линий связи с пропускной способностью в 10 Гбит/с каждая. Таким образом, суммарная скорость передачи информации по сети Internet2 может достигать 100 Гбит/с. Более того, в перспективе данный показатель может быть увеличен еще в десять раз.

С января будущего года организации, входящие в состав Internet2, смогут воспользоваться новой опцией Dynamic Circuit Network (DCN). Благодаря системе DCN отправитель и получатель информации по запросу смогут на небольшой промежуток времени получить в свое распоряжение выделенный канал связи с пропускной способностью в 10 Гбит/с. Таким образом, ученые смогут быстро передать большой объем данных, после чего предоставленный им канал связи вновь волеется в общую инфраструктуру.

АФОРИЗМ



Беги от тех, в ком много зла и фальши: Ведь от плохого надо быть подальше.

Кто раз солгал, того уж и потом, Хоть правду скажет, все зовут лжецом.

Алишер НАВОИ

Хабар + tv

СТС

Хурвати телестомбишчилар!
Профессияси мусикабати бизан дундаш, 9 июл кунин "Облаклар" телерадиокомпани уз крсатувларини сонг 14.55 дан бошлайди.
14.55 Крсатувлар дастури.
15.00 "Ташхилома".
15.45 "Вагиллар".
"Баскир сайраси".
16.45 "Этларлар - эшетишка етларлар".
17.00 "Абдор".
17.15 "Юртим ойулаб" дастури: "Иштибоқ сари йул".
17.45 "Елликка уранган кулар".
18.05 "Андлар ошунида".
18.15 "Улар афари", 1-қисм.
18.35 "Мине бир ривонг".
18.40 "Ошиш". Телесериал.
19.10 "Сизинг адвокатини".
19.15 "Юртим кашшери".
19.20 Дунё ноисни.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эшонлар.
19.30 "Абдор" (рив тилида).
20.05 "ТВ шифокари".
20.10 "Уч бека". Телесериал премьераси (Туркия).
20.50 Дунё ноисни.
21.00 "Абдор".
21.40 "Шарк тарихилари".
22.00 "Муаббат гушанг". Телесериал премьераси (Корея).
23.00 "Қуштинсан, муаббат" (SMS. Оқи берши).
23.10 "Йоза парид". Телесериал премьераси (Хондистон).
23.55-00.10 Туниг ноилар.
"Uzbekstan".
00.10 Крсатувлар дастури.
00.20 "Ноллар". Раққ спектакли.
00.30 "Самарканг" 27:00.
00.55 Дунё ноисни.
01.00 "Абдор". Информацион дастур (рус).
01.35 Оттин мерос.
01.45 "Янги кун". Информацион дам олши дастури.
03.15 "Чемпион сиратли".
03.35 "Иштибоқ".
03.55 Дунё ноисни.
04.00 "Абдор". Информацион дастур.
04.35 "Марсион - 2007".
04.40 "Мине бир ривонг".
04.45 Миселин сериал: "Мехробанг чеки". 1-қисм.
05.30-05.55 Тонинг ноилар.



6.55 Дастуринг ошатиши.
7.00 "ЯНГИ ТОНГ".
9.00 "Давринг боласи".
9.15 "Эрда". Сериал.
9.55 "Иқлим".
10.00 "Дар қарта ичига".
10.30 Тилиг туркион: "Тиликион - тиребий қиласиз".
11.40 "Абдорсиб афсоналари".
12.00 "ПВАРО". Сериал.
12.50 "Мафрункар ва бетакор".
13.00 "ДАВР".
Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини белгилаб олди. Эришилган ютуқлар сарҳисоб қилинганда, булар қўёшли юртимиз учун Аллоҳ томонидан ато этилган бебаҳо неъмат эканлигини ҳис қиламиз.

Вайронкор
Ғояларга йўл йўқ!

Биз, ёш авлод учун бугун барча имкониятлар етарли. Хўш, бизнинг асосий вазифамиз ва фуқаролик бурчимиз нимадан иборат? Энг аввало, бизга берилган тинчликни ҳимоялаш, ҳамisha оғоҳ, сергак бўлишдан иборатдир. Жаҳон матбуотини кузатиб, чет элларда бўлаётган турли хил сиёсий гуруҳлар ўртасидаги низолардан хабардор бўламиз. Ана шу воқеа-ҳодисалар эса, албатта, ўша халқнинг тинчлигига дахл қилмоқда. Шўқри, юртимизда тинчлик, инсонларда кўнгил хотиржамлиги ҳукмрон. Аммо четда туриб ўзининг вайронкор ғоялари ила фуқароларимизга, айниқса, ёшларимизга таъсир ўтказишга уринаётганлар ҳам йўқ эмас. Ёшларни ўз измига солиб хиёнаткорликка ундаш уларнинг асосий мақсадларидан бири эканлигини ҳамisha ёдда тутиш жоиз. Ўзининг шахсий ёки тор ижтимоий манфаати йўлида боқсқинчилик, талончилик, тажовузкорлик ғояларини тарғиб қилишдан ҳам тап тортмайди улар.

Тарих тажрибаси шундан далолат берадики, дунёда икки куч — бунёдкорлик ва бузғунчилик ғоялари ҳамisha ўзаро курашади. Бунёдкор ғоялар инсонни улуғлаб, унинг руҳига қанот бағишлайди. Бузғунчи ғоялар эса халқлар бошига оғир кулфатлар келтиради. Ёвуз ғоя ва мафқураларнинг энг кўп тарқалган шакли ақидапарастликдир. Бундай мафқуралар муайян даврларда Фарбада ҳам, Шарқда ҳам ҳукмронлик қилган. Бу ижтимоий иллат бугунги тинчлик ва тараққиётга ҳам таҳдид солмоқда.

Инсон ва жамият бор экан, эзгу ғояларнинг қарама-қаршиси бўлган зулм, зўравонлик, жаҳолат янги шаклларда намойён бўлишга уринади. Лекин улар одамзоднинг адолат, тинчлик, биродарлик, тараққиёт ғояларига таяниб, олий мақсадлар сари интилишини тўхтамайди.

Инсоният ягона оила эканлигини англаб, тинч-тотув, фаровон яшаш тамойилига амал қила бошлаган вайронкор ғоялар ер шарининг ҳамма ерида ҳам танқидга ва тазйиққа учрамоқда. Ҳозирги пайтда халқро террорчилик, мафқуравий хуружлар, экстремизм, жаҳолатпарастлик каби вайронкорлик ғоялари жаҳон жамоатчилиги томонидан кескин қораланмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида айтилганидек, "Кейинги даврларда ўзига обрў топмоқчи бўлган "кўп векторлик сиёсат" олиб бориш деган турли қараш ва ёндашувлар ҳақида чиқишлар бўлмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз олиб бораётган ташқи сиёсатнинг таг-томирида ҳеч кимга сир бўлмаган бир мақсад турибди — Ўзбекистон манфаати ва яна Ўзбекистон манфаати. Бизнинг бу соҳадаги барча қадам ва ҳаракатларимиз фақат ана шу эзгу мақсадни амалга оширишга қаратилган, десам, аини ҳақиқат бўлади".

Дарҳақиқат, Ватан манфаати — бизнинг ҳам манфаатимиздир. Биз Ўзбекистоннинг келажагимиз, юрт, миллат тақдирини бизнинг қўлимизда. Гиёҳвандлик, нарқобизнес, вайронкор ғоялар орқали бизни чалғитишга уринаётганлар кўп. Аммо баралла айтиши-миз мумкинки, бизнинг иродаимиз бақувват, иймонимиз мустаҳкам, эътиқодимиз баланд. Биз ҳеч қачон пуч ғоялар ортидан эргашмаймиз. Аксинча, ўз остонамиз, ўз оиламиз, ўз Ватанимизни юрак ҳароратимиз, буюк жасоратимиз билан ҳимоя қила оламиз.

Рустам РАҲМОНОВ,
ТДЮИ 3-босқич талабаси

ҲАЁТНИ СЕВАСАНМИ? СЕВСАНГ, ВАҚТНИ БОЙ БЕРМА!



Лицензияланган таълим
ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!!!

Бизнинг мақсадимиз — давр талабидидаги сифатли кадрлар тайёрлаш!
«Сизнинг ишончингиз — бизнинг масъулиятимиз!»

«ЭФФЕКТ - МОЛИЯ»

Ўқув-тадқиқот илмий маркази чуқур ва сифатли билим олишга интилган ёшларни 100 фоиз кафолати ва амалиёти билан замонавий мутахассислар тайёрловчи куйидаги интенсив ўқув бўлимларига таклиф қилади:

I. Молия-иқтисод ва бошқарув бўлими:

- (малакали раҳбар ва бош ҳисобчилар дарс берадилар)
- **Бухгалтер-молиячи** (бош ҳисобчи даражасида) — 1 йил, тезкор — 5 ой, 1 ойга — 30 минг сўм (нолдан балансгача, компьютер, Internet, 1С бухгалтерия программаси).
- **1С бухгалтерия программаси** — 1 ой, тезкор — 8 кун, 60 минг сўм. Яқка тартибда.
- **1С бухгалтерия программасини ўрнатиш хизмати** — шартнома асосида.
- **Ўрта ва кичик бизнес раҳбари** — 1 йил, тезкор — 5 ой, 1 ойга 30 минг сўм (компьютер, бухгалтерия, меҳнат қонунчилиги, бошқарув тактикаси).
- **Банк иши (офис ва банк программаси, кредитлаш ва бухгалтерия)** — 1 йил, тезкор — 5 ой, 1 ойга 30 минг сўм.
- **Кадрлар иши** — 6 ой, тезкор — 2 ой, 1 ойга 30 минг сўм (компьютер, Internet, меҳнат қонунчилиги).
- **Секретарь-референт** — 3 ой, тезкор — 1 ой, 1 ойга — 30 минг сўм. (компьютер, Internet, иш юритиш тактикаси).

II. Компьютер технологиялари бўлими:

- (фақат яқка тартибда)
- **Компьютерда офис ишлари** (бошловчилар учун тўлиқ курс): Windows XP, Microsoft Office: Word, Excel, Paint. Муддати — 2 ой, тезкор ўқитиш — 1 ой ёки 15 кун, 1 ойга — 15 минг сўм.
- **INTERNET ва E-MAIL** (электрон почта) — 15 кун, тезкор — 4 кун, 15 минг сўм.
- **Photoshop, CorelDraw, 3D Max, AUTO CAD, FlashMX, PageMaker** (видеомонтаж) Adobeprimier дастури. 1 ой. 35 — 50 минг сўмдан.
- **WEB сайтлар яратиш** (HTML, JAVA, Home Site, Dreamweaver) — 2 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
- **Компьютерларни модернизациялаш, йиғиш ва дастурларни ўрнатиш** — 1 ой, 40 минг сўм.
- **Компьютерларро локал тармоқлар ва сервер бошқаруви** — 1 ой, 40 минг сўм.
- **Дастурлаштириш (VISUAL C++ NET, BASIC 6,0 DELPHI)** — 3 ой, 1 ойга — 60 минг сўм.
- **SQL(Server) маълумотлар базаси бошқарувчи** — 2 ой, 1 ойга — 60 минг сўм.
- **Уяли телефонни тазмирлаш** — 3 ой, 1 ойга — 100 минг сўм.
- **Программаларни ўрнатиш, компьютерларни йиғиш ва тузатиш, дискларга ва уяли телефонга мусиқа, расм ёзиш, катта ҳажмдаги сканер ва ксерокс хизмати.**

III. Тилларни муқаммал ўрганиш бўлими:

- (кичик гуруҳларда, аудио-видео аппаратуралар ёрдамида)
- Ўқиш вақтини ўзингиз белгилайсиз. Барча йўналишлар бўйича тезкор ўқитиш гуруҳлари мавжуд. Ўқиш учун фақат паспорт ёки тўғилганлик ҳақидаги гувоҳнома талаб қилинади. Тўлов нақд ёки пул ўтказиш йўли билан! Тест натижаларига кўра лицензияланган диплом бериледи.
- **Қабул:** 9:00-19:00, дам олиш кўни — яқшанба. **Ётоқхона** — 1 ойга 25000 сўм.
- **Манзил:** Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 84-уй, «Козогистон» кинотеатрининг ўнг томони. (Автобуслар: 9, 19, 20, 24, 50, 51, 60, 67, 72, 85, 88, 89, 91, 93, 95, 115)
- **Келиш йўли:** метронинг Минор, автобусларнинг «Козогистон» кинотеатри бекати.
- **Тел.:** 135-10-36 (факс), 134-70-69.

- **Инглиз тили** — (бошловчилар учун) — 4 ой, (чуқур ўрганиш) гид-таржимон — 4 ой, (олий курси) гаплашув клуби — 4 ой, 1 ойга — 15 минг сўм.
- **Немис тили, француз тили ва корей тили** — (тўлиқ курс) — 1 йил, тезкор — 6 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Рус тили** — (бошловчилар учун) — 4 ой, (давом эттирувчилар учун) — 4 ой, гаплашув клуби — 4 ой, 1 ойга — 15 минг сўм.

IV. Йиғит-қизларни ҳаётга тайёрлаш бўлими:

- (фақат кичик гуруҳларда)
- **Сартрош-стилист, педикор-маникор** (эркаклар ва аёллар учун) — 4 ой, 1 ойга — 15 минг сўм, тезкор — 2 ой.
- **Тирноқларни ўстириш, коррекциялаш. Акрил ва гуаш билан гул яшаш ва чизиш** (яқка тартибда) — 1 ой — 100 минг сўм.
- **Косметолог-визажист** — (олий курси б-н) 2 ой, 1 ойга — 15 минг сўм, тезкор — 1 ой.
- **Тиббиёт ҳамшираси, массажчи** (компьютер, интернет б-н) — 1 йил, 1 ойга — 15 минг сўм. Ўқиш поликлиникада, тезкор — 3 ой.
- **Фармацевтика** (компьютер, интернет б-н) — 1 йил, 1 ойга — 15 минг сўм. (Ўқиш доиронада), тезкор — 3 ой.
- **Кийимларни тикшиш-бичиш, моделлаштириш ва элита пардалар** — 4 ой, 1 ойга — 15 минг сўм, тезкор — 2 ой.
- **Астарили устки кийимлар тикшиш** — 3 ой, 1 ойга — 15 минг сўм (яқка тартибда), тезкор — 1 ой.
- **Тўй ва оқшом кўйлақларини тикшиш** — 2 ой, 1 ойга 30 минг сўм (яқка тартибда), тезкор — 1 ой.
- **Газламалардан гуллар яшаш** — 2 ой, 1 ойга — 15 минг сўм (яқка тартибда), тезкор — 10 кун.
- **Қўлда кийим-буюмлар тўкувчи** (олий курси б-н) — 3 ой, 1 ойга — 15 минг сўм (яқка тартибда), тезкор — 1 ой.
- **Бисер усулида кашгачи-безакчи** — (олий курси б-н) 2 ой, 1 ойга — 15 минг сўм, тезкор — 1 ой.
- **Бисер асосида дизайн** — (яқка тартибда) — 2 ой, 1 — ойга 20 минг сўм.
- **Машинкада ва қўлда кашта тикшиш (виши-ка)** — муддати 3 ой, 1 ойга — 15 минг сўм (яқка тартибда).
- **Юмшққ ўйинчоқлар яшаш** — 2 ой, 1 — ойга 15 минг сўм
- **Уйгур, миллий ва европа таомлари** (50 дан ортиқ овқатлар) — 3 ой, 1 ойга — 15 минг сўм, тезкор — 1 ой.
- **Пазандалик** — (пишириқлар, торتلар, салатлар, овқатлар...) 3 ой, 1 ойга — 15 минг сўм, тезкор — 1 ой ва 1,5 ой.
- **Тортларни олий даражада безатиш санъати** — 2 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
- **Заргарлик** — 6 ой, 1 ойга 35 минг сўм. Яқка тартибда заргар ўргатади, тезкор — 3 ой.
- **Дарслар фақат яқка тартибда ёки кичик гуруҳларда хужжат топширганингизданқош бошланади.**

Стандарт ўқув дастурлари ва кўндалмалари ёрдамида тушунарли усулларда чин дилдан «устоз-шогирдлик» асосида, қатъий тартиб муҳитида мутахассислар томонидан ўргатилади. Бир мазунни ўлаштирмадан кейингисига ўтилмайди. Натижада амалиётда бемалол ишлаб кета оласиз!

30 хилдан ортиқ
қасб-хунар!!!

Лицензия № АСУ 00192200ТТ0002-05

Келин нон узаяпти. Тандирнинг тафтидан қизарган юзлари саватга тушаётган ширмой нон каби оловланади. Ноннинг хушбўй иси атрофни тутлади. У саватни ток остидаги сўрининг бир четига қўяди. Қизариб пишган нонларни олиб дастурхонга терар экан, бобо пичирлаб дуо қилади. Шундай улуг неъматга етказгани, юртдаги тинчлик-хотиржамлик учун Яратганга шуқр қилади, хира тортган кўзларида ёш айланади.


— Божон, ҳар гал ойм нон ёпсалар, кўзингизга сура-сиз. Нимага шундай қиласиз, а? — сўрайди набиралардан бири.

— Бунинг сабабини нонуш-тадан сўнг айтиб бераман, — ваъда қилади бобо ва оила аъзолари хонтахта атрофига жамланишади. Иссиқ нон синдирилади... Дастурхон йиғилиб, дуо ўқилгач, набиралар бобони боғи ваъдангизни ба-жонинг дея қистовга олишади.

— Бу воқеа Иккинчи жаҳон уруши йилларида содир бўлган эди, — дея ҳикоясини бошлади бобо. — Ушанда, адашмасам, олти ёки етти ёшда бўлсам ке-рак. Барча қатори менинг отам ҳам урушга кетган эди, онам эса касал бўлиб ётиб қолди-лар. Биз, болалар очликдан бошимиз айланиб зўрга ўти-рибмиз. Уйда на бир кафт дон, на бирор бошқа егулик бор. Укаларим йиғлай-йиғлай ухлаб қолишди. Ойимга кийикўтли дамлама ичириб, устларини ўраб қўйдим ва кўчага чиқдим. Вақт пешиндан оққан, ҳеч ким кўринмади. Зора, бирорта

Бошидан кўплаб талотўп-ларни ўтказган отахон ушбу оғир воқеани эслар экан, кўла-ридан оққан ёш оппоқ сокол-ларига юмалаб туша бошлади, набиралар ҳам маҳзунлашиб қолишди. Улар сеvimли бобо-ларини юпатиш учун сўз топа олмас эдилар.

— Уша кунларда жуда кўп одамлар бир бўлак нон топол-май очликдан вафот этишган, — деди бобо ўзини босиб ол-



Ноннинг ушоғи ҳам нон

ри галла мустақиллигига қара-тилди десак, муболага бўлмай-ди. Бир вақтлар пахта яккаҳо-кимлиги ҳукм суриб, ҳатто одамлар томорқасига ҳам чи-гит экиш даражасига бориб

рига кўзим тушди. Дарров йи-ғиштириб олдим. Ва дилимда қанчадан-қанча машаққатли меҳнат эвазига тайёрланади-ган нонни хор қилган ношўқрга нисбатан нафрат пайдо бўлди. Ахир нон халқ мулки, кўпчи-ликнинг ризқ-насибаси. Ундан ҳар ким эҳтиёжига ярашасини сотиб олмоғи лозим. Қолавер-са, нонни асраб-авайламоқ, уни исроф қилишлик гуноҳ экан-лиги ҳақида фарзандларимиз-га нафақат оила, балки боғча ва мактаблардан тушунтира бош-лашимиз лозим. Эсини танига-нидан ноннинг қандай неъмат эканлигини, унинг не-не қий-инчиликлар эвазига етиштири-лишини билган бола ишона-манки, ноннинг увоғини ҳам увол қилмайди.

Сўхбатдошим ҳақ гапни айт-ди. Болаларни ҳар бир неъмат-ни увол қилишдан сақланишга ўргата бориш катталарнинг би-ринчи галдаги вазифасидир. Фақат бугина эмас, тўй ва маъ-ракаларда ҳам исрофдан сақ-ланмоғимиз лозим. Барча нар-са бадастир қилинган тўқин дастурхон атрофига ўтирган-мизда камхарли оилалар, иж-тимий ҳимояга муҳтож одам-лар ҳам борлигини унутмайлик. Катта сарф-харажатлар ва меҳ-нат эвазига етиштирилган нон-нинг қадрига етайлик. Зеро, НОН — ризқ-рўзимиздир!

Муборак МИРКАМолова

ТАНДИР ТўЛИБ ЁПИЛДИ НОН...



одам раҳм қилиб, бир бурда нон берса, деган ниятда кетиб боряпман. Кўзларим атрофга боқадим. Бир пайт мендан анча нарида, кўча ўртасида чанг бо-сиб ётган нон бўлагига кўзим тушиб қолса бўладими. Кўзла-римга ишонмадим. Ишқилиб, мендан олдин биров олиб қўймасин деб чопаман, лекин қадамим орқага кетаётганга ўхшайди. Янада тезроқ югура-ман ва хаёлан нонни тозаллаб онамга, укаларимга бўлиб бе-раётган бўламан. Ва ниҳоят унга етиб келиб кўлимга олдим, турган жойимда ўқраб йиғлаб юбордим. Нон деб ўйлаб югу-рганам, оддий бадантозаллагич (началка) экан...

гач сўхбатни давом эттириб. — Шунинг учун ҳар гал сават тўлиб нон кўлса, қалбим қувончга тўлади, кўзим яйрайди, Аллоҳ-га тўқинлик, фаровонликка етказгани учун шуқр қиламан.

Дарҳақиқат, нон — бебаҳо неъмат. Уни авайлаб, исроф қилмасдан истемол қилиш ҳар бир инсоннинг бурчи бўлмоғи лозим.

Республикаимиз истиқлолга эришганидан сўнг, ҳукумат раҳ-барларининг биринчи эътибо-

етилган бўлса, эндиликда фер-мер ҳўжаликлари етиштираёт-ган дон хирмонларини кўриб, кўз қувнайди. Дўконларга кир-сангиз ноннинг бир неча хили-ни учратасиз. Бозорларни-ку қўяверинг — оддий ширмой-нондан тортиб, жиззали пати-ргача хоҳлаганча сотиб олиши-нгиз мумкин.

— Яқинда ишга кетаётсам, — дейди танишларимдан бири, — чикинди тўқиладиган жойда ётган бир неча нон бўлакла-

деган ҳикматли гап бор. Ҳақиқат қарор топди. Салоҳиддин Наҳмиддинов ўз иш ўрнини яна сақлаб қолди. Бирок текшир-текширлар кўпгина ҳалол одамларнинг асабини қақшатди.

Яқинда биз етти фарзанднинг отаси, ўн уч неваранинг бобоси Салоҳиддин ота билан сўхбат қилдик.

— Мен бугунги дорилоним кунла-римиз учун шўқрона айтиб яшайман, — дейди у. — Ҳар қадамда истиқлол меваларини кўриб

турибман. Биргина Чорсу бозорини олиб кўрайлик. Илгари қандоқ эди-ю, хозир қандоқ. Сўнгги йилларда Чорсу бозори шаҳсон Президентимиз Ислам Каримовнинг савб-ҳаракати, шахсий ташаббуси туфайли Шарқнинг кўркам ва обод бозорларидан бирига айланди. Бунга шўқрона айтмай бўладими? Салоҳиддин ота фарзандла-ри ҳақида ҳам фахр билан сўзлай-ди. Рост-да, инсон учун оиласидан ҳам азиз нарса борми бу ёруғ ола-мда. У фарзандларини ўқитди, солиҳ инсонлар қилиб тарбиялади. Мухҳид-дин, Зиёда, Озода, Ирода, Шоира, Саодат, Шарофиддинлар падарининг кўнглидагидек бўлиб етишдилар. Уларнинг барчаси тинчлиб, оилалар бўлиб кетишган. Масалан, оиланинг тўнғич ўғли Мухҳиддиннинг у фар-занди бор. Умида жаҳон тиллари университетини магистратурасида, Шаҳзода педагогика университетининг ҳуқуқ факултетинида, Жавоҳиддин ирригация ва мелеорация институти-нинг иқтисод факултетинида таҳсил олмоқда.

Салоҳиддин ота Наҳмиддинов-нинг ёши етмишдан ошиб қолган бўлса ҳам ҳамон эл-юрт хизматинида. Тарбиялаб етиштирган шогирдлари эса унинг эгу ишларини давом эттирмоқдалар. Шунини айтади-ларда, халққа хизмат қилган одамни халқ унутмайди, деб.

Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ

ORAMYDAGI ODAMLAR

Ҳаётда шундай инсон-лар борки, улар билан бир марта учрашсанг, яна учрашгинг, дийдор кўришгинг келади. Негаки, бу хилдаги кишилар ҳамиша эл-юрт манфаати билан яшайдилар. Менинг тасаввуримда ана шун-дай саховатпеша, фи-дойи инсонлардан бири тадбиркор, гўзал қалб-ли инсон Салоҳиддин ота Наҳмиддиновдир.

Ҳар бир инсон энг аввало ўзининг ҳуқуқи, одоби, самими-ийлиги ва ҳалол меҳнати билан оила, қавму-қариндошлар, дўстлари, халқи олдида меҳр-оқибат, иззат-обрў, ҳурмат-эътибор топади. Яқши ҳуқуқ, одоб, эзгу меҳнат эса ҳар бир одам-нинг кўнглига тўқан ниятига боғлиқ-дир. Имом ал-Бухорий ҳазратлари айтди: "Бу сўзга (ниятга) иймон ҳам, таҳорат ҳам, намоз ҳам, рўза ҳам, муомалатми, ниҳоҳи, умуман, барча ҳўкмлар кирур. Аллоҳ таола ояти Каримасида: "Ҳар бир киши ниятига ва ўзига яраша амак қилгайлар".

Жаноб Расулulloҳ саллолоху алайҳи васаллам айтганлар: "Амаллар ниятга қараб қабул қилинур, ким қандай ният қилгай, шунга эришгусидир".

Салоҳиддин отанинг бутун онгли ҳаёти эзгу ният, ҳалол меҳнат, хайрли-амаллар қилиш билан ўтган десам, ҳеч бир муболага қилган бўлмайман. Албатта, бу гўзал инсо-ний фазилатлар падари бузруквори Насриддин ака ва меҳрибон волидаи мукаррамаси Ойимтилла аялардан ўтганлиги шак-шубҳасиз.

Салоҳиддин ота болагини эсласа, юраги эзилиб кетади. 1935 йили шўролар тузумининг қатагон сибсати туфайли

Инсонпарвар

унинг падари хибсга олиниб, узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Одам боласи чидаши қийин бўлган кўргиликдан сўнг кўп ўтмай уқаси Учқун вафот этди. Ойимтилла-хон ая Салоҳиддинни бағрига босган-нича чирқиллаб қолаверди.

Даҳшатли уруш йиллари... Салоҳиддин табиадан тиришқоқ, тиниб-тинчимас, меҳнатсевар бола эди. Унинг ақли, заковати ва зийрак-лигини биринчилардан бўлиб сезган Чорсу бозоридаги бир неча дўкон-ларнинг мудури Абдурахмон Файзиёв Салоҳиддинни ўз паноҳига олди. Унга меҳр-муруват кўрсатиб, мўъжазгина дўконча очиб берди, чўт "қоқиш"ни, одамийлиқни ўргатди.

Ҳаётнинг аччиқ-чучугини эрта тотиб ўрганган, суяги меҳнатда қотган Салоҳиддин орадан кўп вақт ўтмай савоб ишлари билан одамлар-нинг тилига тушди; у қундалиқ ишидан ажралмаган ҳолда савдо ходимларини тайёрлаш курсини битириб, аввал тўрт-бешта, сўнгга йигирмага яқин савдо шахобчаларини бошқаришга бош-қош бўлди. Шу орада ўзи сингари меҳнатқаш, оқила Шарофатхонни топиб, унга уйланди, бола-чақали бўлди.

Орадан йиллар кетини қувиб, йиллар ўтди. Салоҳиддин ака ҳаёт-нинг нотекис йўлларида юриб, оқ-қорани таниди, тинимсиз, аммо

фидойи меҳнати туфайли кенг жамоатчилик орасида катта обрў-эътибор топди, фарзан-дларининг тарбияси билан шуғул-ланди. Бир пайтлар беда-рак йўқолган отасини излаб, уни Россиянинг олис ўлкаларидан бирида топди, оозд қилиш учун елиб-югурди, турли идораларнинг эшигини қоқди ва ниҳоят орзусига эришди.

Салоҳиддин ота эсини танибдики, доимо бунёдкорлик ишлари билан шуғулланиб келади, имкон топилди дегунча одамларнинг хожатини чиқаради, етим-есирларнинг бошини силайди. Унинг савб-ҳаракатлари, қизгин меҳнати туфайли Чорсу бозорида бир-бирдан кўркам, файзли дўконлар, ошхоналар қури-либ ишга туширилди, кўчалар, йўллар таъмир қилинди.

Етмишинчи йилларнинг охирлари-да рўй берган бир воқеа Салоҳиддин отанинг ҳечам эсидан чиқмайди. У эришган ҳурмат, эътибор айрим кимсаларнинг гашига теккан шекил-ли, дўқони бир ойда йигирма марта "текшир-текшир" қилинди, комиссия кетидан комиссия келди, лекин дўкон директориға қўйилган айблар ўз тасдиғини топма-ди. Халқимизда ҳақиқат эғилади, аммо синмайди

Ўзлар ҳазинасидан

Қололмас жаҳон ичра мангу киши,
Фақат қолгуси яқши ном-у иши.

САЪДИЙ

YOSH OТА-ONALARGA MASLAHAT

Ўқиш – бу ҳам иш. Шунинг учун фарзандингиз ўз меҳнат фаолиятини қувонч билан бошлаши лозим. Уни мактабга, албатта, кузатиб бординг, ҳатто мактаб шундоққина уйингиз олдида бўлиб, йўлни кесиш ўтишга ҳожат бўлмаса ҳам. Бу каби кунлик эрталабки сайр биринчи синф боласи учун ўқувчиликнинг муҳим эканлигини ҳис қилишига ёрдам беради. У сизнинг кўмагингизни сезади ва ўзига нисбатан ишонч ҳосил қилади. Йўл-йўлакай ўтилган дарсни такрорлаш, бугун уни қайси машғулот қизиқтираётгани, мактаб ҳаётидан у нималарни кутаётгани ҳақида сўхбатлашиш мумкин. Уни руҳлантириш учун ўзаро ижобий ҳамжиҳатлик яратинг.

Мактабдан қайтгандан сўнг “Бугун қандай баҳо олдинг?” каби аъёнавий савол билан бирга, “Бугун мактабда қандай янгилик бўлди? Нима билан шугулландинг? Дарсларда нима қизиқарли бўлди?” сингари саволлар билан ҳам муножират қилинг. Мактабдаги ишлари билан қизиқаётганингизни билган бола чин дилдан ҳаммасини сўзлаб беради.

Чой устида янги ўқувчини макташани қанда қилманг. Ушбу эътиборингиз унга доимгидан ҳам жуда зарур. Унинг ҳар қандай ютуғидан, ҳатто улар сиз учун аҳамиятсиз туюлса-да, сидқидилдан қувонинг.

Муваффақиятсизликлар учун болани уришиш ярамайди. Айниқса, у ниманидир тушунаётган ёки хато қилган бўлса.

Яхшиси, ёнига ўтириб, у билмаётган нарсаларни меҳрибонлик билан секин тушунтиринг. Унутманг, хато қилиш одатий ҳол, таълим жараёни бусиз кечмайди. Фарзандингизни ҳеч қачон “аҳмоқ, билимсиз, овсар” деб атаманг. Ҳақорат ҳеч

олиши шарт. Албатта, кунлик сайрни қанда қилмаслик керак.

Фарзандингизнинг шахсий иш жойи – ёзув столи ва дарсликлари, дафтарлари ва бошқа ўқув қуроллари учун жой ҳозирлаб беринг.

эмас, фарзандингиз-ку!

Кичкинтой ўқувчи учун ўз ўқитувчиси – муҳим шахс. Фарзандингизнинг у ҳақидаги фикрларини ҳурмат қилинг. Ҳеч қачон ўқувчилар олдида педагоглар ҳақида ёмон гапирманг ва уларни танқид қилманг.

Фарзандингиз мактабга мослашдими?

Ниҳоят, фарзандингиз биринчи синфга борди, ўқувчи бўлди. Сизни ўй-хаёллар қийнади: балки уддалайди кетар, эҳтимол... Хавотирланманг, албатта уддалайди. Фақат дастлабки вақтларда сизнинг ёрдамингиз ва қўллаб-қувватлашингизсиз у қийналиб қолиши мумкин.



нарсани ижобий ҳал қилмайди, аксинча, ўзига ишончсизликни, мактабдан кўнгил совушни келтириб чиқаради.

Кун тартибини тузиб чиқинг ва назорат қилинг. Машғулот ва дам олиш вақтини тўри тақсимлаш чарқокни қувишга ёрдам беради. 6-7 ёшли болалар машғулотнинг ҳар ярим соатидан кейин 15-20 дақиқа танаффус қилиб

Бошланишида уй вазифасини биргалиқда тайёрланг. Аста-секинлик билан ушбу ҳамкорликдан четланиб, болангизни мустақилликка ўргата бординг. Лекин бажарилган ишни назорат қилишни унутманг. Дарсларни текшириш жараёнида бирорта хато чиқиб қолса, индамай қолдирманг. Ҳеч қачон болангизнинг уй вазифасини ўзингиз бажара кўрманг. Ахир, ўқийтган сиз

Албатта, биринчи синф ўқувчиси учун янги ҳолатга кўникиш осон эмас, лекин уни уй юмушларидан батамом озод қилиб қўйманг. Бола ўй тозалаш, идиш ювиш ва бошқа енгил ишларга ўрганиши керак.

Эсингизда бўлсин, бола эртадан-кечгача ўқиши шарт эмас. Сиз уни яхши хулқи ёки баҳоси учун эмас, шунчаки ҳаракат қилаётгани учун севинг.

АЛОҚАЧИ ЛУФАТИ

● **Сервер (ru — сервер, en — server)** — 1. Компютер учун бошқа компютерга хизмат кўрсатиш имконини берувчи аппаратли ва дастурий таъминоти (сервер дастури)нинг мажмуи.

Изоҳ — Компютерлар мижоз-дастур ёрдамида сервер-дастури орқали ишлайди.

2. Бир компютернинг бошқасига хизмат кўрсатишга имкон берувчи тармоқ компютери учун дастур.

Изоҳ — Хизмат кўрсатиладиган компютерлар дастур-серверлар билан фойдаланувчи дастурлар (дастур-мижоз) ёрдамида хабар қилинади.

3. Тармоқ ресурсларининг маълум турлари орқали бошқариладиган ҳисоблаш машинаси (тизим).

Изоҳ — Сервер-файл, иловалар-сервери, факс-серверлар, почта коммуникация, веб-серверлар ва бошқалар фарқланади.

● **Бутунжаҳон ҳисоблаш тармоғи, глобал тармоқ (ru — сеть всемирная вычислительная, сеть глобальная, en — world area network, wide area network, WAN)** — 1. Ер юзидagi барча ахборот-ҳисоблаш тармоқларининг мажмуи.

2. Бир неча мамлакат ёки континентларнинг ҳудудини қамраб олувчи ахборот-ҳисоблаш тармоғи.

3. Коммутицияланган ва ажратилган линиялар ёки телекоммуникацияларнинг махсус каналлардан фойдаланиб, маълум масофаларга ахборот узатишни таъминловчи тармоқ.

● **Ҳисоблаш тармоғи, ахборот-ҳисоблаш тармоғи, АХТ, ЭХМ тармоғи, компютер тармоғи (ru — сеть вычислительная, сеть информационно-вычислительная, ИВС, сеть ЭВМ, сеть компьютерная, en — information computer network, computer network, CN)** — 1. ЭХМнинг маълумотлари узатиш тармоғи билан ўзаро боғлиқ ва бу алоқани амалга ошириш учун зарур бўлган, ахборотга тақсимланган ишлов беришни ташкил қилиш учун мўлжалланган дастурий таъминот ва (ёки) техника воситаларининг мажмуи.

2. Фойдаланувчиларга унинг манбаларига масофадан туриб қира олиш ва бу ресурслардан жамоавий тарзда фойдаланишни таъминловчи маълумотларга ишлов бериш, телекоммуникациялар воситалари ва (ёки) тизимлари ҳамда маълумотларни узатиш ҳудудий бўлинган тизимларнинг ўзаро боғланган мажмуи.



ХАНДАЛАР

— Қанақа пора??? Бу менга совга қилинган откритка! **Ғижимланган, кўкиш, Бенжамин Франклиннинг юз йиллиги!**

Вафот этаётган бобо наварасига шипшиди:

- Мен хазина кўмиб кўйганман!
- Қаерга, бобожон?
- Ерга.
- Аниқроқ айтинг, бобожон, аниқроқ!!!
- Ер, бу — қуёш тизимидаги учинчи сайёра.

Тўрт ошиқ йигит қизнинг қўлини сўраяпти. Қиз улардан бирини танлаш учун ҳаммасига ушбу савол билан муножират қилди:

“Агар лотореядан миллион доллар ютиб олсанг, нима қиласан?”

Биринчи ошиқ жавоб берди:

“Мен дунё бўйлаб саёҳат учун жуда ҳам зўр чипта буорардим, иккимиз ер юзини кезиб чиқардик”.

Иккинчиси шундай деди: “Мен сенга шохона бриллиант узук ва сирга сотиб олардим”.

Учинчиси жавоб берди: “Мен ўзимизга зўр уй сотиб олардим ва фарзандларимизнинг таълими ва келажағига таъминлаб қўярдим”.

Қиз узук ўйлади, унга қай бири яхши жуфт бўлиши мумкин — романтик саёҳатчиси, бриллиант олиб берадиганими ёки ишончли эр ва ота? Лекин у “Жамгармага кўшиб қўярдим” деган тўртинчисига турмушга чиқди.

BU — QIZIQ!

АЛВИДО, ТЎТИҚУШ!

Инглизча юздан зиёд сўзни биладиган, буюмлар ранги ва шаклини ажрата оладиган, умрининг 32 йилини АКШда ўтказган кулранг Африка тўтиқуши Алекс оламдан ўтди.

The New York Times хабар беришича, Алекснинг хатто мазмундор ибораларни ҳам эслаб қолиши дунёдаги гапир оладиган энг машҳур қушлар ичида таниқли бўлиб кетишини таъминлаган. Шунингдек, у илмий мақолалар ва янгиликлар бериладиган телекўрсатув қаҳрамонига айланган эди.

Тўтиқуши одамлар ва ҳайвонлар психологиясини қиёслаш бўйича мутахассис Ирен Пепперберг боқар эди. Пепперберг Алексни 1977 йили оддий зоодўкундан сотиб олганди.

Алекснинг ўлимидан бир кун олдин Ирен уни қафасга солаётганда тўтиқуш унга шундай деган: “Эртага кўришамиз. Мен сени яхши кураман”. Эртасига у тўтиқушни жонсиз ҳолда қўлига олган. Афтидан, Алекс табиий кексайиш натижасида ўлган.

САДДАМ ҲУСАЙННИНГ ШАХСИЙ БУЮМЛАРИ СОТУВДА

Ироқнинг собиқ президенти Саддам Хусайннинг шахсий буюмлари интернет-аукционлардан бирида сотувга қўйилди.

“Маяк” радиосининг хабарига қура, ушбу гоа муаллифи С.Хусайннинг саройида 20 йил ишлаган Хайтам Вихейбдир. У кийимлар, заргарлик буюмлари ҳамда соатларни сотиб олиш мумкин бўлган сайтини очган. Тўғри, Х.Вихейб буюмлар хиққатан ҳам С.Хусайнга тегишли эканлигини исботлаб беролмайди. Шундай бўлса-да, собиқ президентнинг соати экспонатлар ичида энг қиммати ҳисобланмоқда. Унлаб бриллиантлар билан зийнатланган олтин “Роллекс” ҳозирги “эгаси” томонидан 200 минг долларга баҳоланган. Шунингдек, виртуал савдога қуёшдан химоя қилувчи “Кристиан Диор” кўзойнаги ва Хусайн ўлим ҳужумлариға имзо қўйган деб тахмин қилинаётган “Карте” ружкаси ҳам қўйилган.

Аукционда “Сен учун фалак эшиги очик” деган сўз ёзилган қумуш узук ҳам бор. Унинг бошланғич нархи — уч минг доллар атрофида.



SPORT

ЙИРИК ГАЛАБА

Ўзбекистон терма жамоаси ЖЧ-2010 сари ўз юришини бошлади. Дастлабки саралаш учрашувида Рауф Инилеев шогирдлари Хитой Тайпейи терма жамоасини йирик — 9:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Ўйин тўлиқ вакилларимиз томонида бўлди. Тезкор ҳужумлар рақиб ҳимоячиларини довдиратиб қўйди. Учрашувда жамоамиз сардори Максим Шацких рақиб дарвозасига бешта гол киритиб, терма жамоа рекордини янгиллади.

Рауф Инилеев шогирдлари йирик ҳисобдаги галаба билан жавоб учрашув олдидан кейинги босқичга ўтиш учун ажойиб имкониятни ҳосил қилдилар.

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ ТАЙПЕЙИ — 9:0

Голлар: Шацких, 4, 16, 34, 57, 76; Копадзе, 24; Карпенко, 40; Бақоев, 54; Саломов, 68.

Жавоб учрашуви 28 октябр кuni Хитой Тайпейи майдонида бўлиб ўтади.



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХҲҲАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шухрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХҲҲАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.
Факс: 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлашиши мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда «Xabar» дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ①
Реклама матнларининг тўғричилиги тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

953-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адали: 7077 нуска.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Матн терувчи: Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА:

Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси Пекин-2008да иштирок этиш ҳуқуқидан тўлалигича маҳрум бўлди. 4-тур баҳсида футболчиларимиз Бахрайн Олимпия терма жамоаси меҳмони бўлиб, 0:2 ҳисобидаги навбатдаги мағлубиятни тан олишга мажбур бўлди.

«Евро-2008»га саралаш гуруҳ босқичининг принципал учрашувида Россия терма жамоаси Англия терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

WBO чемпиони Султан Ибрагимов ўзининг биринчи ҳимоя жангида Эвандер Холифилдни 12 раунд натижасига кўра 118-110, 117-111, 117-111 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Енгил вазнда WBA ва WBO йўналишлари чемпиони Хуан Диас фамилиядоши — IBF камари соҳиби Хулио Диас устидан галаба қозонди. Жанг саккизинчи раундда тўхтатилди.

Собиқ жаҳон чемпиони Жон Руиз ўзининг навбатдаги жангида Отис Тисдейлни иккинчи раунддаёқ нокаутга учратди.

WBA ташкилоти Валуев—Ляхович жангини белгилади. Ушбу жуфтлик голиби келаси йили Руслан Чагаевга қарши рингга кўтарилиш ҳуқуқини кўлга киритади.

ЎСМИРЛАРИМИЗ ҲАМ САРАЛАШ БАҲСЛАРИГА КИРИШДИ



Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси (16 ёшгача) келаси йили бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини берадиган саралаш баҳсларига киришди.

Саралаш босқичининг «D» гуруҳидан ўрин олган Роберт Гай шогирдлари БАА, Тожикистон, Бангладеш, Фаластин ва Туркменистон терма жамоалари билан баҳс олиб боради. Гуруҳ баҳслари БААда бир даврли тизимда ўтказилади. Биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар Осиё чемпионатининг финал босқичига бериладиган йўлланмани кўлга киритадилар.

Чоршанба кuni биринчи тур ўйинлари ўтказилди:

БАА — Ўзбекистон — 2:2
Тожикистон — Туркменистон — 1:1
Бангладеш — Фаластин — 9:1

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Куйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

КАФЕДРА МУДИРИ:

Телекоммуникация тармоқлари ва коммутиация тизимлари — 1, Физика — 1.

ПРОФЕССОРЛАР:

Менежмент ва маркетинг — 1, Фалсафа — 1.

ДОЦЕНТЛАР:

Менежмент ва маркетинг — 1, Электроника ва схематехника — 1, Биотехника тизимлари — 1, Телекоммуникация тизимларини бошқариш — 1, Физика — 1, Информатика ва компьютер графикаси — 1, Ахборот технологиялари дастурий таъминоти — 1.

КАТТА ҲАММАДАШЛАР:

Амалий информатика — 1, Алоқа қурилмалари электр таъминоти — 1, Иктисодиёт — 1, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти — 1, Жисмоний тарбия ва спорт — 1, Менежмент ва маркетинг — 1, Чет тиллари — 1, Телекоммуникация линиялари — 1, Телекоммуникация тармоқлари ва коммутиация тизимлари — 1.

Информатика ва компьютер графикаси — 1.

АССИСТЕНТ (ЎҚИТУВЧИЛАР):

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти — 1, Электрон тижорат — 1, Ахборот технологиялари — 1, Чет тиллари — 1, Ўзбек ва рус тиллари — 1, Фалсафа — 1, Дастурлаш технологияси — 1, Олий математика — 1, Физика — 1, Телекоммуникация тармоқлари ва коммутиация тизимлари — 1, Электроника ва схематехника — 1, Педагогикада ахборот технологиялари — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етуқ мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Амир Темур кўчаси, 108-уй.
Телефон: 138-64-06

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази жамоаси Тошкент ахборот технологиялари университетининг «Электр занжирлар» кафедраси профессори Валерий Соколовга рафиқаси **Янина СОКОЛОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Коллектив Ташкентского университета информационных технологий выражает глубокое соболезнование профессору кафедры ТЭЦ Валерию Константиновичу Соколову в связи с кончиной его жены

СОКОЛОВОЙ
Янины Ильиничны.

«Фаргона Телеком» филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси кўмитаси жамоалари филиалнинг ишлаб чиқариш бўлими бошлиги Азизахон Абдуллажоновга опаси **Мамлакатхон АБДУЛЛАЖОНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси университетнинг «Телекоммуникация узатиш тизимлари» кафедраси катта ўқитувчиси Умидахон Каримовга турмуш ўртоғи **Раҳимжон ҚАРИМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Андижон Телеком» филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси кўмитаси жамоалари меҳнат фаҳрийси, Андижон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси муҳандиси **Абдураҳимжон НУРМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

● KECHA SAMARQAND SHAHRI KUNI NISHONLANDI



Замин сайқали

1996 йили халқимизнинг буюк сиймоси соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги тантанасида қадимий ва навқирон шаҳарга ташриф буюрган муҳтарам Юртбошимиз илк бор таъсис этилган «Амир Темур» орденини топширар экан, шу кундан эътиборан 18 октябрни Самарқанд шаҳри кuni сифатида белгилашни таклиф қилган эди. Шундан буён ушбу сана ҳар йили нишонланиб келинмоқда.

Сўнгги йилларда шаҳар қиёфаси тобора чирой очиб бормоқда. Кўркам истироҳат боғлари, файзли хиёбонлар, халқаро андазаларга мос меҳмонхоналар, тақдорланмас меъморий ечимга эга илм-маърифат масканлари шаҳар тароватини янада кўз-кўз қилмоқда.

Самарқанд – замин сайқали. Ҳар йили минглаб сайёҳлар шаҳарни томоша қилиш учун ташриф буюришади. Бу ердаги асрларга тенгдош обидалар ҳар бир киши қалбида ҳайрат ва ҳавас туйғуларини уйғотади.

Кеча – 18 октябр кuni Самарқанд шаҳри кuni кўтаринки кайфият ва зўр иштиёқ билан нишонланди. Шаҳар кўчалари, хиёбонлар, истироҳат боғлари одамлар билан гавжум бўлди.

Табрик қилиш!

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қашқадарё филиали жамоаси филиалнинг назорат ишлари бўйича бош мутахассиси Шукрулло ЖАЛИЛОВни таваллуд кuni билан муборақбод этиб, унга соғлиқ, оилавий тотувлик, ишларида ривож ҳамда ҳаётида қувончли кунлар кўп бўлишини тилайди.

“Қорақалпоқ Телеком” филиалининг Тўрткўл телекоммуникациялар боғламаси жамоаси етакчи мутахассис Абатжон ХУДОЯРОВни муборақ 60 ёши билан табриклайди. Унга оилавий бахт ва ишларида муваффақиятлар тилаб қолади.

“Фарғона Телеком” филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси кўмитаси жамоалари Марғилон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Бахтиёр ҒОҒУРОВни 50 ёши билан чин юракдан табриклайди. Унга узоқ умр, бахт-саодат, оилавий тинчлик-тотувлик тилайди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қорақалпоқ филиали Канлиқўл почта алоқаси тармоғи жамоаси тармоқ ходими Аралбай КЎШЕРБАЕВни муборақ 50 ёши билан қўтлайди. Унга оилавий бахт, ишларида зафарлар ёр бўлишини тилаб қолади.

● BU – QIZIQ!

ХУРРАККА ҚАРШИ ЁСТИҚЧА

Хурракни назорат қилишга ёрдамлашувчи қурилмаларнинг яна бир туркуми – махсус ёстиқча яратилди. Ушбу ёстиқча хуррак отувчиларга мўлжалланган бўлиб, хурракни аниқлаб, товушини секинлаштирувчи махсус сенсорлар билан таъминланган. Бу қурилма хурракдан маълум муддат қутилишга ёрдам беради.

Бу ёстиқчанинг сезиш даражасини бошқариш мумкин. Бундан ташқари, ўз хуррагини баҳолашни ва унга қарши курашини мақсад қилганлар учун ёстиқчага “овоз”ни аниқ ёзиб олувчи микрофон ўрнатилган.



О'ЗБЕКТЕЛЕКОМ АКСИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

2007 йилнинг 5 ноябридан бошлаб айрим телекоммуникация хизматларининг тарифлари ўртача 10 фоизга ўзгаришини маълум қилади:

- шаҳарлараро телеграф ва телефон алоқа каналларини ижарага бериш;
- тармоқлар орасидаги боғланишлар.

«Ўзбектелеком» АК

Хизматлар лицензияланган



● FILATELISTLAR BURCHAGI

2001 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИ

393-398. “Мустақиллик йилларида таълим, маданият ва санъат” купонли почта маркалари туркуми.



393. “Академик лицей” почта блоқи. О.Андреевский дизайни.

Блок бир неча рангда ишланган. Оқ силлиқ қоғозга офсет усулида босилган. Блок ўлчами 90x70 мм. Блокдаги марка ўлчами 42x30 мм. Перфорацияси тароқсимон. Адади 20,0 минг нусха.

Маркада Тошкент шаҳридаги Академик лицей биноси тасвирланган. Блок ҳошиясида “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури” матни ўзбек тилида ёзилган бўлиб, лицейдаги ўқув жараёни акс эттирилган.



394. “Қуёш” объекти” купонли почта маркаси. З.Сейфуллаева дизайни.

Марка бир неча рангда ишланган. Оқ силлиқ қоғозга офсет усулида босилган. Ўлчами 42x30 мм. Перфорацияси тароқсимон. Адади 20,0 минг нусха. Варақда 2та марка ва 2та купон бор.



395. “Ядро” қурилмаси” купонли почта маркаси. З.Сейфуллаева дизайни.

Марка бир неча рангда ишланган. Оқ силлиқ қоғозга офсет усулида босилган. Марка ўлчами 30x42 мм. Перфорацияси тароқсимон. Адади 20,0 минг нусха. Варақда 2та марка ва 2та купон бор.